

ТАЪЛИМ ОЛИШДА ТАЛАБАЛАРДАГИ ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНЧНИНГ
ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Сагиндикова Ж.Н

Сагиндикова Н.Ж

Бердақ номидаги КДУ профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15391977>

Бугунги кун таълим соҳаси айникса психология йўналишида ёш даврлари соҳаси орқали биз инсоннинг ҳар бир даврдаги бўладиган физиологик ва психологик ўзгаришлар ва уларнинг сабабларини англаб оламиз.

Университет таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти, бирор ижтимоий ишни бажариш жараёнида психологик фаолиятни бошдан ўтказади, унинг асосий жиҳати шундаки, у инсонни ҳар қандай холатга тайёрлайди. Олимлар Д.Б. Эльконин ва В.Давидовнинг таъкидлашича, ўқиш фаолияти-ўзлаштиришга қаратилган ва фикрлашнинг ўсишини таъминлайдиган фаолиятларидан бири сифатида кўрсатилади.

Талабалардаги ўқиш фаолиятининг мухим қисми ўқув топшириқ ҳисобланади. Топшириқ ечилиш жараёнида, ҳар бир амалий машғулотдаги каби, ўқувчи томонидан ўрганилаётган обьектда ёки бу ҳақидаги тасаввурда маълум бир ўзгаришлар юзага келади. Аммо натижада субъектнинг ўзи ўзгаради. Ўқиш топшириғи субъектда олдиндан берилган ўзгариш содир бўлгандагина ечими топилган деб ҳисоблаш мумкин. Ўқув фаолияти ўзига хос тузилишга эга бўлиб улар эҳтиёж-топшириқ-мотивлар-ҳаракат-операцияларидан иборат. Бу тузилишни ўзида шакллантира олган талаба олдида ҳеч қандай қийинчиликлар қолмайди ва келажак иш фаолиятида ҳам осонгина киришиб кета олади. Талабанинг ўқув фаолиятида ўзини кўрсатиши ўқитувчининг унга берган топшириқларни ўз вақтида аъло даражада бажариши ва ўзининг ўзига хос эканлигини кўрсата олиши даркор. Берилган топшириқларни бажариш учун эса унга ишга бўлган масъулият ва топшириқни ўз вақтида бажариш жавобгарлиги туради. Топшириқларни бажариш жараёнида талабанинг ўз-ўзига бўлган ишончи мухим аҳамият касб этади. Инсоннинг ўз-ўзига ишончи унда ўз характеристини шакллантиришда катта роль уйнайди. Қатъиятли, иродали, ўзини бошқалар олдида ҳимоя қила оладиган бўлади.

Ўқитувчи талабадан вазифани ечиш давомида ундан бир-бирига ўхшамайдиган, такрорланмас, мукаммал жавобни кутади. Ўқитувчининг бу мақсадини тушунган талаба эса, ўзига масъулиятли олган ҳолда ишга киришади.

Чет эл психолог олимлари томонидан олға сурилган назариялардан П.Я.Гальперин ва унинг шогирдларининг ишларига тўқталадиган бўлсак: “Қандай қилиб, инсон онгидан ташқарида бўлган, унинг ақли ички хусусият бўлиб қолган, яъни унинг онгини маҳсули сифатида ақл хусусиятига айланади”, деган саволга жавоб излаши аста-секин қуйидаги хуносага олиб келди: П.Я.Гальпериннинг ақлий ҳаракатларининг шаклланиш концепциясида келтириб ўтилади. Бу концепция катта умум психологик аҳамиятга эга, чунки у юқорида қўйилган саволларга жавоб бериб қолмастан, балки ҳайвонлар психологиясидан фарқли бўлган инсон психологияси эволюцияси тамойилларини, психологик фаолият турлари ва шакллари, унинг қонуниятлари ҳамда шаклланиши ҳақидаги маълумотларни ҳам ўзида мужассамлаштирган.

Таълим оловчи бу муайян бир ҳаракатни билмагани ва бу ҳаракатни бажаришга энди урганаётгани учун ҳам, (ўргатувчи) ўқитувчи унинг қўлига маълум бир ҳаракатни бажаришда таяна оладиган йўриқномаларни бериши лозим. Бошқача қилиб айтганда, бирор бир фаолиятга илк бора қўл ураётган киши, агар қўлида маълум бир асосий ҳаракат йўриқнномаси бўлса, у бемалол бу ишни тўғри лекин жуда секин бажара олади. Шундай қилиб, у ҳар қандай янги ишни, ҳар бир янги фаолиятни бажаришга, у тригонометрик топшириқ, хоҳ у орфографик жиҳатдан тўғри хат ёзиш, ёки янги самолётни йиғиш бўлмасин психологик ҳодисанинг таҳлилини бажаришга ўрганиб олади.

Психолог П.Я.Гальперин таъкидлашича: “Инсоннинг ҳар бир ҳаракатнинг назорат, бажарув ва мўлжал қисмлари мавжуддир. Ўқув жараёнида ўқувчи йўл-йўриқни мўлжалга қараб фаолиятни бажаради ва бу ўқитувчи томонидан назорат қилинади. Йўриқнома ҳам ўқитувчи томонидан берилади”. Гальпериннинг бу билдирган фикридан кўриниб турибдики, талабалик даврида талаба ўзининг ён атрофдагилардан ташқари, устоз мураббийлар билан чукур алоқада бўлиб, улардан ўзи учун керак бўлган кўплаб материаллар, билимлар олиши зарур.

Олий таълим таҳсил олувчиларининг ўқув фаолиятида мувафақиятга эришиш учун ҳам унинг тафаккур операцияларининг шаклланганлиги катта аҳамиятга эга.

Талабаларнинг етакчи фаолияти ўқиш ҳисобланади. Ўқиш фаолияти талабанинг психик жараёнларини хусусиятлари ривожланишига касбий мухим билимлар, қўнилмалар ва малакаларни эгаллашга таъсир кўрсатади. Агар ўқиш ижодга айланса, талабалар ўзларини ўқув фаолиятида ҳар хил мураккаб вазифаларни бажариш жараёнида ўзини кўрсата олиш, характер хусусиятларининг шаклланиши ва иродавий хусусиятлари, масъулиятининг ривожланиши хиссий соҳасига ижобий таъсир қиласи, Диққат, ва хотирасини ривожлантиради, қониқиши ҳиссини юзага келтиради, фаолиятга нисбатан қизиқиши ошади. Фаолиятга нисбатан қизиқиши ошдими, демак унда мураккаб вазиятларда ўзини тута олиши, ўз-ўзига ишонч ҳислари ҳам аста секинлик билан шаклланаётганидан дарак.

Ўқувчиларининг ўз-ўзини тарбиялаш жараёни ўқув муассаса, жамоат ташкилотлари, педагоглар жамоасининг тарбиявий таъсири доирасида бўлмоғи шарт. Токи ўз-ўзини тарбиялашнинг такомиллаштирилиши жамоада муносиб ўрин эгаллашга, ижтимоий бурчни англаш, фойдали меҳнатга жалб этиш ишига хизмат қилсин. Муаллифнинг бу фикридан кўриниб турибдики талаба шахси ўзининг таълим олаётган даргоҳига кўпроқ билим, тарбия олишга ва шу жамоага ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилиши лозим.

Ўсиб келаёган ёш авлодга бугунги кунда шундай вазифа қўйилади, ўзини шахс сифатида шакллантириш ва шу жамиятга фойдаси тегадиган етук мутахассис бўлиб этишиш. Талабаларда олдида ҳам келажакда танлаган касб соҳасига ўзининг бекиёс ҳиссасини қўшиш учун катта масъсулияти ва унга жавобгар бўлган ижтимоий мухит ва жамиятнинг олдида ҳам катта масъулиятли вазифа туради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Давлетшин. М.Г, Дўстмуҳаммедова. Ш, Мавлонов. М, Туйчиева.С. Ёш даврлари ва педагогик психология. Тошкент 2004, 856.
2. Pedagogika. N.G'aybullayev va boshqalar. Ma'ruzalar matni. -Тошкент,2000

3. Бекимбетова.А.А, Алаўатдинов. С.И, Сагиндикова Н.Ж. Семинар сабақларды оқытыуда инновациялық тәлим технологияларын пайдаланыў. «Қарақалпақстан»., Нукус. 2013
4. Бабанский Ю.К. Методы обучения в современной общеобразовательной школе. – Москва, Просвещение, 1985. – 205 с.
5. Каримова В.М. Психология. Тошкент.: Шарқ,2000
6. Нишонова З.Т. Олий мактаб психологияси. Тошкент. 2011
7. Сагиндикова.Н.Ж. «Shaxs qásiyetlerin eksrerimental úyreniw» XXI-asr psixologiyasi: muammomalar va istiqbollar halqaro onlayn ilmiy-amaliy konferensiya. Qarshi «Nasaf» NMIU 2022 y 395-397b
8. Юсупова З.З. Педагогика психология маъruzалар матни. Тошкент. 2011